

## ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ АСОСИЙ БЎЛИМЛАРИДАГИ УЗВИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

*Рахимова Санобар Каримовна*  
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ*  
*Навоий академик лицейи ўзбек тили*  
*ва адабиёти фани катта ўқитувчиси*

### Аннотация

Ўзбек адабий тилининг бўлимлари ҳақида ўқувчиларга маълумот берилганда дарсликда берилган тасниф: ўзбек адабий тилининг бўлимлари мазмунига кўра: фонетика, лексика, морфология ва синтаксис; қўлланишига кўра: алифбо, имло, талаффуз, тиниш белгилари, услуб каби белгиланган. Лекин уларнинг бир-бири билан узвийлик тамойиллари асосида бо-ланишини шргатиш муҳим ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** фонема, морфема, лексема, фразема, узвийлик тамойиллари.

### Кириш

Биринчидан, таснифдаги биринчи ярус унсурларининг мазмунига ва қўлланишига кўра деб белгиланишининг ўзи етарли маълумотни бера олмайди. Чунки дарсликда сўз ясалиши, морфемика, фразеология, йирик синтактик бутунликлар ва дискурс мазкур таснифнинг қайси турига кириши кўрсатилмаган. Жумладан, бу дарслик умумлаштирувчи характерга эга бўлганлиги учун тил унсурлари(элементлари), бирликлари ва сатҳларининг бир-биридан фарқи ва умумлаштирувчи томонлари аниқ кўрсатилиб, ўқувчиларнинг ўрганишлари учун аниқ тавсия ва амалий кўрсатмалар берилиши лозим эди[1.43-76].

### Асосий қисм

Адабий тилнинг фонетика бўлими товушлар тизимини, лексика сўзларнинг маъноларини, морфология сўз таркиби ва сўз туркумлари, синтаксис сўз бирикмалари ва гапларни ўрганади[2;3;4;5;].

Амалий жиҳатдан адабий тилнинг алифбоси, имлоси, тўғри талаффузи, тиниш белгилари ва услуби баён қилинади.

Адабий тилнинг ҳар қайси бўлими ўз қоида-қонунларига эга. Бу қоида қонунлар адабий тил меъёрлари дейилади».

Агар юқоридаги таърифнинг таҳлилига ўтсак бу ўқувчилар билимини ривожлантирувчи характерга эга эмаслигини гувоҳи бўламиз.

Масалан, фонетика ва фонология атамалари(терминлари) бир-биридан фарқланиши зарур. Фонетика фани нутқ жараёнидаги реаллашадиган ҳодиса,

яъни товушларнинг нутқ жараёнидаги иштирокини ўрганувчи фан. Фонология эса фонемалар ҳақидаги фан, яъни фонема тил бирлиги. Нутқ бирлиги ва тил бирликларининг бир-биридан фарқланувчи томонлари мавжуд. Масалан, «бола» сўзини талаффуз қилганимизда тўрт товуш борлиги аниқланади, «бола» сўзи тўрт фонемадан ташкил топган деганимизда эса, фонема тил бирлиги сифатида ўрганилади. Бу ҳақда, ҳаттоки, олий ўқув юрти дарсликларида ҳам етарли маълумот берилмаган.

Уларда тил сатҳлари уч ярусда, яъни фонетик, лексик-грамматик ва семантик ярусларда ўрганилади. Айрим манбаларда семантика сўзнинг маъно томонини ўрганувчи соҳа деб, фақат лексик семантиканинг айрим томонлари ўрганилган. Амалда эса семантика фани лисоний белгиларнинг(сўз шакли) тушунчага муносабати ва тушунча(концепт)нинг лисоний белгиларга муносабати масаласи семантика фанининг мазмунини ташкил этилиши зарур.

Тил бирликлари ва улар орасидаги муносабатлар қуйидаги тартибда бўлса мақсадга мувофиқдир:

- 1.Фонема
- 2.Морфема (аффикс ва ўзак морфемалар)
- 3.Сўз (лексема)
- 4.Сўз бирикмаси(фразема)
- 5.Гап бўлаклари
- 6.Гаплар
- 7.Йирик синтактик бутунликлар
- 8.Дискурс (Айрим манбаларда дискурс билан матн тенглаштирилади, лекин улар орасида оз бўлса-да фарқ бор).
- 9.Матн кабилар. Бу тил бирликлари систем ёндошув жиҳатдан бир-бири билан шакл ва маъно муносабатига кўра узвийликни ташкил этади[2;3;4;5;].

### Хулоса

Шу сабабдан ҳам тил сатҳлари масаласидаги ёндошувимиз ҳам систем-структур ҳолатда ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

- 1.Фонетика (товуш соҳасини ўрганувчи фан)
- 2.Фонема (тилдаги фонемаларни ўрганувчи фан)
- 3.Графика (фонографик ёзувга асосланган тиллардаги ҳарфлар тизимини алифбо тартибида ўрганувчи фан).
- 4.Орфография.(тилдаги имло меъёрларини ўрганувчи фан, яъни сўзларни имло қоидаларига мос равишда ёзилишини таъминлайди).
5. Орфоэпия(Тўғри талаффуз меъёрларини ўрганувчи фан соҳаси)
- 6.Морфемика (Ўзак ва аффикс морфемалар соҳасини ўрганади)
- 7.Сўз ясалиши.(Айрим манбаларда морфемика ва сўз ясалиши соҳалари бир-бирига қўшиб юборилади, бу тўғри эмас. Улар бир неча кўринишда,

масалан, фонетик сўз ясашиши, аффиксал сўз ясашиши, композицион сўз ясашиши, семантик сўз ясашиши кабилар. Морфемика сўз ясашишининг муайян бир йўналишида, яъни аффикс морфемалар билан иштирок этади.

8.Морфология. Сўз туркумлари ва уларнинг грамматик категорияларини ўрганади.

9.Синтаксис. Сўз бирикмалари, гап бўлаклари ва гапнинг логик-коммуникатив хусусиятларини ўрганувчи соҳа[2;3;4;5;].

10.Лексикология .Сўз ва унинг маъноларини ўрганувчи соҳа. Айрим ҳолатларда семантика фани билан тенглаштирилади. Бу илмий жиҳатдан мукаммал эмас.

11.Ҳозирда илмий манбаларда матн лингвистикасига оид тадқиқотлар вужудга келиб уларда матн структураси ва мазмуни тил бирлиги сифатида тадқиқ этилмоқда.

Демак, тил бирликлари ва тил сатҳлари орасидаги муносабатларни ўрганиш, уларнинг таҳлили тилдаги узвийлик тамойилларини тавсифлашга асос бўлади.

#### Адабиётлар:

1. М.Ирискулов. Тилшуносликка кириш. Т, «Ўқитувчи», 1992.
2. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси.Т, 1992
3. Тўйчибоев В. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Т, 1990
4. Турсунов, У.Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили., Т, «Ўқитувчи», 1992.
5. Ҳ.Жамолхонов. Ҳозирги ўзбек адабий тили. «Талқин», 2005